O'ZBEKISTON ... KUTUBXONASI
290901

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 5 сентябр чоршанба

Сотувда эркин нархда

№ 183 (2745)



## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 сентябр куни Оқсаройда Халқаро олимпия қўмитаси биринчи вице-президенти Виталий Смирновни қабул қилди.

Учрашувда Халқаро олимпия қўмитаси биринчи вице-президенти алоҳида қайд этганидек, Ўзбекистон спорти шахсан Ислом Каримов раҳнамолигида халқаро спорт оламига дадил кириб бормоқда. Бокс, кураш, шахмат, теннис ва бошқа кўплаб соҳаларда ўзбек спортчилари эришаётган улкан муваффақиятлар, Ўзбекистонда энг олий даражадаги халқаро мусобақаларнинг юксак савияда ўтказилаётгани мамлакатнинг жаҳон спорт майдонидаги довруғи тобора ошиб бораётганидан далолатдир.

Миллий олимпия қўмиталари уюшмаси Ўзбекистоннинг спорт соҳасида эришаётган мана шундай улкан муваффақиятларини эътиборга олиб, Халқаро олимпия ҳаракатига шахсан қўшаётган салмоқли ҳиссаси учун Президент Ислом Каримовни мазкур ташкилотнинг олий мукофоти — Олтин нишони ва эсдалик пластинаси билан тақдирлади.



Президентимизга ушбу олий мукофотни тақдим этиш учун мамлакатимизга келган В.Смирнов Ўзбекистондаги кўплаб янги замонавий спорт иншоотларини кўздан кечиргани, улар энг олий даражадаги халқаро мусобақаларга мезбонлик қилишга имкон беришини алоҳида таъкидлади. Албатта, мамлакатимизнинг қисқа вақт мобайнида бундай улкан имкониятларни қўлга киритишида Президент Ислом Каримовнинг хизматлари беқиёсдир.

Таъкидламоқ керакки, Ислом Каримов спорт соҳасидаги учта энг олий — Халқаро олимпия қўмитасининг Олтин ордени, Осиё олимпия кенгаши Олтин ордени, Миллий олимпия қўмиталари уюшмаси Олтин нишонига сазовор бўлган жаҳондаги ягона давлат раҳбаридир.

Учрашувда В.Смирнов Миллий олимпия қўмиталари уюшмасининг олий мукофотини Ислом Каримовга тантанали равишда топширди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Халқаро олимпия қўмитаси ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар хусусида сўз борди.

**(ЎзА).**

**СУРАТДА: қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

---

Бухоро вилоятидаги кўпчилик хўжаликларда ҳали оммавий йиғим-терим бошланмай туриб, Қоровулбозор туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги пахтакорлари маррага етди.

## ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Йил бошидан омилкорлик билан иш юритилгани боис йиғим-теримга барвақт киришиш имкони туғилди. Атиги 10 иш кунида шартномадаги 973 тонна ўрнига 1000 тонна биринчи нав хомашё қабул пунктларига топширилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, хўжалик шунинг ўзидан юз миллион сўм атрофида даромад кўради.

Ҳали далада ҳосил мўл. Хўжалик аъзолари мавсум охиригача яна 700 тонна пахта йиғиштириб олиш ниятида.

**Илҳом САФАР, ЎзА мухбири.**



---

*Ифтихор*

Эл қатори қумқўрғонликлар ҳам байрамни қалблари гулдираб уриб кутиб олдилар. Мустақиллик йилларида, ахир, Қумқўрғон аҳли жаҳонни таниди. Жаҳон — Қумқўрғонни. Британиянинг «Еврокоммерсе Лимитед» компанияси ўтган йилдан бошлаб минглик ўлчамдаги темир-бетон қувурларини тумандаги «Сурхон» комбинатидан харид қилишни лозим топди. Тумандаги вилоят пахта уруғчилиги корпорацияси билан Грециянинг «Емкат» компания-

## ҚУМҚЎРҒОНДА КУНДА ЯНГИЛИК

си ўртасидаги ҳамкорлик самаралари кўнгилдагидан ҳам зиёда: бу ерда хорижнинг 2,2 миллион АҚШ доллари миқдорида капитали ўзлаштирилди. «Олтин чигит» деб аталган бў қўшма корхонада ҳозир уруғлик чигитни кимёвий йўл билан туксизлантирадиган технология бир маромда ишлаб турибди. Эндиликда бўлса туманда уруғлик дон ишлаб чиқариш учун хориж технологиясини қўллаш лойиҳасини амалга ошириш устида иш олиб борилмоқда.

Байрам бўлса, одатдагидек, бу ерда ҳам катта тайёргарлигу тадориклар билан кутиб олинди: байрам кунлари туманнинг Камолот қишлоғида Мустақиллик машъали — табиий газ ёнди. Учта қишлоқда қишлоқ врачлик пунктлари фойдаланишга топширилди. Байрам дўсту қариндошларнинг, таниш-билишларнинг, жами юртдошларнинг бир-бирларини самимий йўқлаши, шу озод Ватан олдидаги масъулият ва фахр-ифтихор туйғуларини ўзаро ифода этиши кунига айланиб кетди.

**О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

*Фармондан сўнг*

## Амнистия амалга ошмоқда

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида Президентимизнинг Фармони чиққан эди. Жазони ижро этиш муассасалари томонидан ушбу фармонни ижро этишга киришилди. Шу муносабат билан Жиноий жазони ижро этиш Бош бошқармасида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Йиғилишни олиб борган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўринбосари Ражаб Қодиров ушбу актнинг муҳимлигини таъкидлаб, уни амалга оширишда алоқадор идоралар сидқидилдан ёндашишлари шартлигини уқтирди.

Сўзга чиққанлар авф этилган маҳкумларни иш, яшаш шароити билан таъминлаш бўйича ҳам амалга оширилиши мўлжалланган режалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

---

## «ЁШЛАР МАРКАЗИ»

***йигит-қизларни иш билан таъминлашга кўмаклашибгина қолмайди, балки уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, ижтимоий-сиёсий ҳаракатдаги фаоллигини кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратади***

> **Ҳуқуқбузарлик қилган инсон ҳали ёш, дунёқараши ва ҳуқуқий онги эндигина шаклланаётган, қонунларга итоат қилувчи киши қилиб тарбиялаш мумкин бўлган пайтда аниқ мақсадни кўзлаб, унинг тарбияси билан шуғулланган яхши эмасмиди?**
>
> **Бу масаланинг ҳал этилиши прокуратура идоралари, бутун ҳуқуқий тизимимиз ва умуман, жамиятимиз учун асосий фаолият йўналиши бўлмоғи керак.**
>
> **Ислом КАРИМОВ.**

Умидахон аксарият тенгдошлари сингари мустақил ҳаётга қадам ташлар экан, бир муддат ўйланиб қолди: ишни нимадан бошласам экан, ўқишни давом эттирганим маъқулми ёки бирон ҳунарнинг этагидан тутиб ишлаганимми?

— Ишлайман, — ўзи билан ўзи сўзлашди Умида, — жилла бўлмаса оилага ёрдамим тегсин. Ўқишни кейинга қолдираман.

Қиз аниқ тўхтамга келди. Бироқ яна бир муаммо кўндаланг турди: хўш, қайси ишда ишлайман, ахир ҳозирча бирон-бир ҳунарни эгаллаганим йўқ-ку?

— Бошингни қотирмай «Ёшлар маркази»га учра, — Умиданинг жонига оро кирди унинг дугоналари. — Маслаҳат беришади, ишга ҳам йўллашади. Биз ҳам ўша ерга бориб, ишлик бўлдик.

Марказдагилар 33-мактабда таҳсил олган Умида Аҳмедовани илиқ қаршилашди. Таклифларини айтишди. Ниҳоят, Умида Ойимдаги «Бунёд» акциядорлик жамиятида ип йигирувчи бўлиб ишлашни маъқул топди.

— Уйимизга ҳам яқин, бунинг устига ойлик маоши ҳам чакки эмас экан, — кўнглидан ўтказди қиз.

Жалолқудуқ туманида вилоят прокуратураси ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган «Ёшлар маркази» ўзининг дастлабки кунлариданоқ ўнлаб, юзлаб Умидаларга мустақил ҳаёт йўлини, танлаб олишга кўмаклашди. Ёшлар ишли, ҳунарли бўлишди.

— Шу ерда ҳунар ўрганиб, «ақлли» дастгоҳларни бошқаришни ўзлаштириб олгунимга қадар ҳамма зарур моддий қўллаб-қувватлашларга эга бўлишимни ўйласам теримга сиғмай қувониб кетаман, — юз-кўзлари кулади Умиданинг. — Биз, ёшларни ҳаётга йўллаганликлари учун ҳокимликларга, вилоят прокуратураси ходимларига миннатдорчилик билдираман. Уларнинг астойдил қўллаб-қувватлашлари туфайли Одинахон Тожибоева, Машҳура Ҳасанова, Абдужалил Эргашев, Розия Усмонова сингари тенгқурларим ҳам ишли бўлдилар.

Ҳа, вилоят прокуратураси кейинги пайтда ёшлар, айниқса, вояга етмаганлар ўртасида самарали иш олиб бораётир. Жойларда шаҳар ва туман ҳокимликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда ишламай юрган ёшларни аниқлаш, меҳнат ярмаркаси ўтказиш йўли билан уларни ишга жойлаштириш ва энг муҳими, айрим ўсмирлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга чек қўйиш борасида муҳим қадам ташланди.

Маълумки, Андижон вилояти аҳолисининг 11,4 фоизини 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Вилоятда бу ёшдаги иш билан банд бўлмаган фуқаролар 9920 нафар (37 фоиз) миқдорида қайд этилган. Ўтган йили вилоятда ҳаммаси бўлиб 17961 фуқаро иш сўраб мурожаат қилган. Шундан 10453 нафари (58 фоизи) иш билан таъминланган. Ишсиз деб эътироф этилганларнинг 54 фоизи касбга ўқитилган, 8 фоизи эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 3 мингдан зиёд ўсмир ишга жойлаштирилди. Улар ўртасида содир бўладиган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан камайди.

Андижон, Шаҳрихон туманлари, Андижон, Асака шаҳри ва бошқа жойларда ўтказилган бўш ишчи ўринлари ярмаркалари иш таклиф қилиб келган корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда иш тополмай юрган ёшлар учун чинакам байрамга айланиб кетди десак, муболаға бўлмас. Ана шу байрам юзлаб-минглаб ёшларга эртанги куннинг ёруғ манзилларини кўрсатиб берди. Айни пайтда Андижон шаҳрининг Чўлпон боғида ташкил этилган «Ёшларнинг ҳуқуқий маркази» йигит-қизларни ҳаёт қийинчиликларидан собитқадамлик билан ўтиш, айрим муаммоларни ижобий ҳал қилиш, кичик ва ўрта бизнеснинг гуркираб ривожланишига сунъий тўсиқ бўлаётган ҳолатларни қонун йўли билан бартараф этишга хизмат қилаётир.

— Яхши шароит муҳитнинг соғломлигидан далолат беради, — дейди вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Нурмуҳаммад Қурбонов. — Хоҳ оилада бўлсин, хоҳ иш жойида, ўқишда, қаерда бўлмасин соғлом, изланувчан муҳит яратилгандагина шахс жиноятга қўл урмайди. Жорий йилнинг етти ойлик таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ойим қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамида бевосита ёшлар томонидан жиноят содир этиш ҳолати юз бермади. «Ёрқишлоқ», «Қатортол», «Абдуллабий», Жалолқудуқ қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳақида ҳам ана шундай илиқ фикрлар билдириш мумкин.

«Ёшлар маркази» ўсмирлар, йигит-қизларга тўғри йўл кўрсатувчи, уларга эзгулик, фаровонлик йўлларини очиб берувчи муқаддас даргоҳлардан бири бўлиб қолишига, шубҳа йўқ.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

---

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

4 сентябр куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Чжан Чжимин Ишонч ёрлиғини топширди.

Давлатимиз раҳбари элчини янги лавозимга тайинлангани билан қутлар экан, Ўзбекистон — Хитой муносабатлари жадал ривожланаётгани, ҳам икки томонлама, ҳам турли халқаро ташкилотлар ва минтақавий тузилмалар доирасида кўп томонлама алоқалар мустаҳкамланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади. Айниқса, Ўзбекистон ва Хитойнинг хавфсизлик масалаларидаги муносабатлари муштараклиги ва ҳамжиҳатлиги кучлилигини қайд этди.

Ч.Чжимин Ўзбекистонга элчи этиб тайинланганидан ва юртимизга қутлуғ байрам — Ватанимиз Истиқлолининг ўн йиллиги нишонланаётган кунлари келганидан мамнуният билдириб, мамлакатимиздаги фаолияти давомида бор куч-ғайратини ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга, иқтисодий ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга қаратишини маълум қилди.

* * *

Президент Ислом Каримов Қирғизистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Улуғбек Чиналиевдан ҳам Ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон халқларининг тарихи ва тақдири азалдан муштаракдир. Истиқлол йилларида мамлакатларимиз ўртасида яхши қўшничилик муносабатлари қарор топди.

Президент Ислом Каримов элчини янги лавозимга тайинланиши муносабати билан қутлаб, Қирғизистон вакили икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг муносиб давомчиси бўлишига ишонч билдирди.

У.Чиналиев давлатимиз раҳбарини Ўзбекистон мустақиллигига 10 йил тўлиши муносабати билан муборакбод этди. Ўзининг мамлакатимиздаги миссияси давомида Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама кенгайтириш борасидаги хайрли ишларни янгича куч-ғайрат билан давом эттиришини таъкидлади.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримовга Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Ғуломжон Мирзоев ҳам Ишонч ёрлиғи топширди.

Ўзаро суҳбат чоғида ўзбек ва тожик халқларини асрий ришталар боғлаб туриши, ҳаётда улар бир-бирига шодликда — шерик, ташвишли дамларда дарддош бўлиши азалий анъанага айлангани таъкидланди. Яқин қўшни давлатлар ўртасида бўлганидек, Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида ҳам борди-келдилар гавжумлиги, мамлакатларимиз ўзаро ҳамкорликни ҳамжиҳатлик асосида ривожлантириб келаётгани қайд этилди.

Ғ.Мирзоев Ўзбекистон — Тожикистон муносабатлари ривожига ўз ҳиссасини қўшиш имкони пайдо бўлганидан мамнуният билдириб, бу ишда куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

**(ЎзА).**

---

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

1 сентябр — Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами ҳамда мустақиллик эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан бутун болгар халқи ва шахсан ўз номимдан йўллаётган ғоят самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Болгария Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси турли соҳаларда болгар ва ўзбек халқларининг манфаатлари йўлида тенг ҳуқуқли, ўзаро фойдали алоқаларни ривожлантириш учун бундан буён ҳам янги имкониятларни фаол излаб топаверишига ишончим комил эканлигини таъкидлайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига бўлган юксак эҳтиромимни яна бир бор изҳор этаман ҳамда Сизга сиҳат-саломатлик, омонлик ва масъулиятли фаолиятингизда ютуқлар, Ўзбекистон халқига эса бошланган ишларнинг муваффақиятли якунини, янада фаровон ҳаётни тилайман.

**Петр СТОЯНОВ,**
**Болгария Республикаси Президенти.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Суверен Ўзбекистон тарихидаги шонли воқеа — Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллик юбилейи муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Мустақил ривожланишнинг тарихан қисқа даври ичида демократик ислоҳотлар ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасида катта тараққиётга эриша олган қардош ўзбек халқининг ютуқларидан ғурурланамиз.

Ўзбекистон билан шериклик муносабатларини янада ривожлантиришга Қозоғистонда муҳим аҳамият берилаётганини таъкидлаб ўтишдан ҳамда янги мингйилликда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ эканлигига ишонч билдиришдан бахтиёрман.

Имкониятдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, мустаҳкам соғлиқ, омонлик ва Ўзбекистон манфаатлари йўлидаги фаолиятингизда муваффақиятлар, бутун ўзбек халқига эса тинчлик ва равнақ тилашга ижозат бергайсиз.

**Нурсултон НАЗАРБОЕВ,**
**Қозоғистон Республикаси Президенти.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Сизни ва сиз орқали биродар Ўзбекистон халқини мустақиллик эълон қилинганининг 10 йиллиги билан чин қалбдан муборакбод этаман.

Ўзбекистон истиқлоли тарихининг 10 йиллиги унинг халқи ғоят катта салоҳиятга эга эканлигини, истеъдоди ва меҳнатсеварлигини, донишмандлиги ва муносиб ўрнини яққол кўрсатди. Ҳозирги вақтда бундай сифатлар мустақил Ўзбекистоннинг муваффақиятларини, Сиз раҳбарлик қилаётган давлатнинг дадил одимларини белгилаб бераётган омил бўлиб қолди. Биз Туркманистонда ўзбек биродарларимиз билан биргаликда Ўзбекистоннинг эришган ютуқларидан қувонмоқдамиз, мамлакатингизнинг ажойиб келажагига ишонамиз.

Шу шонли кунда дўстлик, яхши қўшничилик, Туркманистон билан Ўзбекистонни асрлар мобайнида бирлаштириб келаётган мустаҳкам тарихий алоқаларга содиқлик икки томонлама муносабатларимизнинг тамал тоши бўлиб қолаётганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу тамойиллар ҳамиша қардош халқларимиз ҳамда давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни белгиловчи омил бўлишига ишончим комил.

Қадрли Ислом Абдуғаниевич, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ҳамда масъулиятли ва кўп қиррали фаолиятингизда бундан буён ҳам муваффақиятлар тилаб билдирган истакларимни қабул қилгайсиз. Ўзбекистон халқига тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилайман.

**Сапармурод НИЁЗОВ,**
**Туркманистон Президенти.**

(Давоми 2-бетда).

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн йиллиги байрам қилиниши муносабати билан Қирғизистон халқи ва шахсан ўз номимдан ғоят самимий қутловлар изҳор этишдан бахтиёрман.

Ўтган ўн йил мобайнида қардош ўзбек халқи Сизнинг раҳбарлигингизда давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлида ҳайратланарли муваффақиятларга эришди. Ўзбекистон обрўли ва масъулиятли давлат сифатида халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгалладики, унинг овозига жаҳон майдонида эътибор билан қулоқ солишади.

Биродар халқларимиз сурункасига уч йилдан буён халқаро террорчи тўдаларнинг Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳудудига бостириб кириш йўлидаги уринишларини елкама-елка туриб муваффақиятли даф этмоқда. Айни пайтда мамлакатларимизнинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига ҳеч кимнинг тажовуз қилишига йўл қўймаслигимизни бутун дунёга намойиш қилмоқдамиз. Биз бирга эканмиз, ҳеч қандай дағдаға ва таҳдидлар қўрқинчли эмас ва ўзимиз танлаб олган йўлдан қайтишга ҳеч ким бизни мажбур қилишига имкон бермаймиз.

Ишончим комилки, янги мингйилликда мамлакатларимиз ва қардош халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари янада мустаҳкамланиб бораверади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, шунингдек, оилангизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, биродар ўзбек халқига эса тинчлик-омонлик, фаровонлик ва равнақ тилаб қоламан.

Эҳтиром ила,

**Аскар АКАЕВ,**
**Қирғизистон Республикаси Президенти.**

* * *

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Ўзбек халқи учун мана шу унутилмас кунда ишонч билдириб айтмоқчиманки, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида тарихан таркиб топган қардошларча дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро фойдали ҳамкорлик муносабатлари дўст давлатларимизнинг манфаатлари йўлида, шунингдек, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш йўлида бундан буён ҳам сифат жиҳатидан янги поғонада ривожланиб бораверади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ҳамда серқирра ва самарали фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, биродар Ўзбекистон халқига эса тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

**Имомали РАҲМОНОВ,**
**Тожикистон Республикаси Президенти.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами — Мустақиллик эълон қилинган кун муносабати билан ғоят самимий ва сидқидилдан йўллаётган қутловларимни қабул қилгайсиз. Сизга ва бутун ўзбек халқига тинчлик, бахт-саодат ҳамда омонлик тилашга ижозат бергайсиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг негизи бўлмиш ҳамжиҳатлик, ишонч ва ўзаро ҳурмат бундан буён ҳам тобора ривожланиб, чуқурлашиб бораверишига, Молдова билан Ўзбекистоннинг турли соҳаларда самарали ҳамкорлик қилишига кучли омил бағишлашига астойдил ишонаман.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва давлат раҳбари сифатидаги юксак лавозимингиздаги самарали фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Эҳтиром ила,

**Владимир ВОРОНИН,**
**Молдова Республикаси Президенти.**

* * *

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

1 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 10 йиллиги байрам қилиниши Сизга самимий қутловлар йўллаш ҳамда фаолиятингизда тўла муваффақиятга эришиш, ўзбек халқига эса бахт-саодат ва равнақ тилаш учун менга яхши имконият беради.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасидаги яхши муносабатлар ва ҳамкорлик биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан халқларимиз манфаатлари йўлида янада мустаҳкамланиб, кенгайиб бораверади.

Президент Жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Ион ИЛИЕСКУ,**
**Румыния Президенти.**

* * *

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига самимий табрикларимни йўллайман.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар қадимий тарихга эга. Бугун мамлакатларимиз ана шу анъанавий алоқалар асосида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Дўстлигимиз ва ҳамкорлигимиз келажакда янада мустаҳкамланиши ва минтақадаги тинчлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилишига аминман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

**Кочерил Раман НАРАЯМАН,**
**Ҳиндистон Республикаси Президенти.**

## Дарсликлар учун кредит

**Осиё ривожланиш банки мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларидан бири — Қўрғонтепа тумани мактабларини 39 турдаги дарслик билан таъминлашни ўз зиммасига олди. Бунинг учун «Пахтабанк»нинг туман бўлимида ҳар бир мактаб ўз ҳисоб рақамини очади. Тўловлар тўғридан тўғри шу рақамга келиб тушади. Йиғилган маблағ тўрт йил давомида банкда сақланади. Шуниси эътиборлики, Осиё ривожланиш банки тўловлар учун ҳатто дивидент ҳам бериб боради. Белгиланган муддат ўтгач, маблағлар мактабларнинг ўзида қолдирилади.**

**О.ШОДМОНАЛИЕВ.**

## Ёш ҳуқуқшунослар анжумани

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан пойтахтимизда Тошкент шаҳар ёш ҳуқуқшунослар жамиятининг 1-таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда янги тузилаётган ташкилотнинг низоми тасдиқланиб, раҳбар органлари сайланди. Тошкент давлат юридик институтининг талабаси Мавлон Муҳитдинов жамият раиси этиб сайланди. Шуни таъкидлаш керакки, жамиятнинг асосий мақсади — талабалар ва ёш ҳуқуқшуносларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жаҳон андозаларига мос ёш ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.**

**Рустамжон КОМИЛОВ.**

*Ёдгорликлар — миллий бойлигимиз*

# ОБИДАЛАРНИНГ УМРИ УЗАЙСИН

Архитектура ёдгорликларида халқимизнинг ўтмиши, тарихи, илм-фан тараққиёти, маданияти акс этган. Уларнинг зангори гумбазлари, нафис пештоқлари, рангли кошинлари ва миноралари инсон қўли билан яратилган буюк асарлар бўлиб, уларни авайлаб сақлаш келгуси аждодларимиз олдидаги бурчимиздир.

Ўтган йили ЮНЕСКО томонидан Шаҳрисабз шаҳрининг маданий ёдгорликлари Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилиши ғуруримизни янада юксакликка кўтарди.

Республикамиз мустақиллиги йилларида Президентимиз ташаббуслари билан меъморлик обидаларига бутунлай янгича назар, эътибор, уларни таъмирлаш, қайта тиклаш, ҳозирги ҳолатида келгуси авлодларга етказиш концепцияси қарор топди.

Масаланинг долзарблиги яна шундаки, тарихий ёдгорликларнинг аксарияти тезкор ёрдамга муҳтожлиги сезилиб турибди. Бухородаги Чорминорнинг бир минораси қулаган, Самарқанддаги Тилла-Кори масжиди, Шаҳрисабздаги Оқсарой ҳамда Дорус-саодат, Дорут-тиловат мажмуалари жиддий таъмирлаш ҳолатида, Хивадаги икки минора ўз мувозанатидан четлашган ва бошқалар.

Жорий йилнинг бошида Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Шаҳрисабз шаҳридаги Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган бир қатор архитектура ёдгорликларининг техник ҳолатини атрофлича ўрганиш учун Тошкент архитектура-қурилиш институти таклифи бўйича маблағ ажратилди. Шу муносабат билан институтимиз мутахассислари архитектура ёдгорликларида муҳандислик муаммолари, уларнинг мустаҳкамлиги, зилзилабардошлиги мавзуида илмий-тадқиқот ишларини бошлашди.

Илмий-тадқиқот ишлари йўналишини аниқлаш учун тарихий обидаларни таъмирлашнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилганимизда, бир қатор камчиликлар борлиги кўзга ташланди.



Кўпинча таъмирлаш ишларида обиданинг ичкариси ва ташқи кўриниши шинам, бежирим қилиб бажарилиб, унинг асосий ўзаги бўлган конструкциясига етарли аҳамият берилмаган. Зеро, ҳар бир обидани таъмирлашдан олдин, айниқса, агар обида устига қўшимча юк бўладиган қурилма лойиҳаланса, обиданинг замини, пойдеворининг ҳолати, тупроқ тузилмаси, юк кўтариш қобилияти ўрганилиши, сўнгра, таъмирлаш ишлари бажарилиши зарур эди. Мисол тариқасида, Самарқанддаги Регистон мажмуи таркибидаги Тилла-Кори обидаси таъмирлангандан кейин, деворларида кўплаб ёриқлар пайдо бўлгани, қолаверса, Шаҳрисабздаги Оқсарой мажмуига кирувчи икки обиданинг чўкаётганини келтириш мумкин.

Институтимизда юқорида келтирилган камчиликларни бартараф этиш илмий тадқиқотлар дастурига обидаларнинг замини, пойдевори, қурилмаларининг ҳолати ва юк кўтариш қобилияти, уларга ер ости сувларининг таъсири ва бошқа турли таъсирларни ўрганиш киритилган ҳамда турли соҳа мутахассислари: архитекторлар, конструкторлар, гидрогеологлар, геодезистлар ва бошқалар жалб этилган.

Шу йилнинг ўзида бир неча экспедиция ташкил қилинди. Охирги 15 кишилик экспедиция вақтида ўта сезгир махсус асбоб-ускуналар ёрдамида барча архитектура обидалари қурилмаларининг ўзгаришлари, зилзила ва бошқа ташқи кучларга мойиллиги, бардошлилиги, уларнинг сезгирлик даражаси ўрганилди.

Оқсарой аркининг жанубий пештоқи чўкаётгани, ганчдан ясалган «белбоғлар»нинг узилиб кетганлиги аниқланди. Бунда ер ости сувлар сатҳи ўзгаргани ва ер юзасидан 6 метрга тушиб кетгани салбий таъсир кўрсатгани маълум бўлди.

Шаҳрисабз архитектура ёдгорликлари устида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари, унда қўлланилаётган усуллар нафақат мамлакатимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам қўлланилади деган, умиддамиз. Зеро, Россиянинг Суздаль шаҳридаги архитектура обидаларини техник жиҳатдан ўрганишда институтимиз олимлари томонидан ишлаб чиқилган геодезик усуллар қўлланилаётгани сўзимиз исботидир.

Хўш, архитектура обидаларининг умрини узайтириш, уларни бутун дунёдан келаётган сайёҳларга кўрсатиш, қолаверса, халқимизнинг тарихий обидаларга нисбатан меҳрини янада ошириш учун нима қилиш керак? Қандай муаммоларни ечиш керак?

Аввало, обида ҳар томонлама ўрганилиб, замини, пойдевори, деворлари замонавий муҳандислик талаблари асосида мустаҳкамланиб, сўнгра унинг интерьери ва ташқи сиртлари таъмирланиши керак.

Айни пайтда, бир ёки бир неча архитектура ёдгорликлари мажмуи бирлаштирилиб катта-кичик қўриқхоналар, Хивага ўхшаган қўриқхона-шаҳар ташкил қилишни ўйлаб кўриш лозим.

Маълумки, Шаҳрисабзда бажарилаётган илмий ишларга Германиянинг «Баухауз» университети олимлари ҳам институт ташаббуси билан жалб қилинди.

Бугун обидаларни ўрганиш, улар ҳақидаги маълумотларни «Интернет» орқали бутун дунёга кўрсатиш, таъмирлаш ишларига чет эл инвестициясини жалб қилиш лозим.

Албатта, обидаларнинг ҳозирги ҳолатини, уларнинг ташқи омилларга чидамлилик даражасини ўлчайдиган замонавий асбоб-ускуналар, айниқса, геодезик, фотограмметрик ускуналарни яратиш зарур. Улар ёрдамида обидалар ҳақида кўплаб статистик, тасвирий маълумотлар тўплаш мумкин бўлади.

Институтимиз олимлари ушбу илмий йўналишлар соҳасида анча йиллардан бери шуғулланиб келишмоқда. Ниятимиз — институт ҳузурида архитектура ёдгорликларини таъмирлаш бўйича илмий марказ ташкил қилиш. Зеро, обидаларни таъмирлаш иши савоб ишдир.

**Б.АСҚАРОВ,**
**Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори,**
**Қ.АБДУРАШИДОВ,**
**профессор.**



*Пойтахтимизда жаҳон андозалари талабларига мос равишда қандолат маҳсулотлари тайёрлайдиган корхоналар сони яна биттага ортди. Зебо Шамсуддинова номидаги маҳаллада «Рамин Набизода» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси иш бошлади. У Европанинг илғор технологиялари билан жиҳозланган бўлиб, кунига ўн тоннага яқин қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга.*

*Айни пайтда ушбу қўшма корхонада 20 турдаги қандолат маҳсулотлари тайёрланаяпти. 300 нафарга яқин маҳалла ёшлари эса янги иш ўринлари билан таъминланган.*

*СУРАТДА: қандолат цехида.*

***Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.***

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

### Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан юбилей тангаларини чиқариш тўғрисида





Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан, 2001 йилнинг 1 сентябридан қиймати 100 сўм бўлган диаметри 38 мм. оғирлиги 31,1 гр., 999.9 пробали кумушдан тайёрланган тарихий ёдгорликлар, Мустақиллик даврида бунёд этилган меъморчилик обидалари ва спортнинг ривожланиши акс эттирилган тангалар серияси муомалага чиқарилади.

Тангаларнинг олд томонида Алишер Навоий, Амир Темур ҳайкаллари, Тошкент Куранти, «Регистон» меъморий ёдгорлиги, «Оқ Сарой» ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис бинолари, Темурийлар музейи, Мустақиллик майдонига ўрнатилган монумент, спортнинг «Теннис», «Миллий кураш», «Футбол» турлари ва Олимпиада Шуҳрат Музейи тасвирланган.

Пастки қисмида «100» рақами мавжуд.

Барча тасвирлар атрофида «O'ZBEKISTON MUSTAQILLIGINING 10 YILLIGI» деган матн бор.

Тангаларнинг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Герби тасвирланган бўлиб, танга чиқарилган йил «2001» рақами акс эттирилган. Шунингдек, танга чиқарилган йилнинг чап тарафида «Ag 999.9» ва ўнг томонида металнинг соф оғирлигини билдирувчи «31.1 gr.» кўрсатилган.

Герб атрофида «O'ZBEKISTON MARKAZIY BANKI» деб ёзилган.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан, муомалага чиқарилаётган юбилей тангалари чекланган миқдорда тайёрланган бўлиб, нумизматик қийматга эга.

*Алоқа хизмати*

## Халқаро тендер: КИМ ҒОЛИБ БЎЛАРКИН?

***Бугунги тезкор ва жўшқин ҳаётимизда замонавий алоқа воситаларининг ўрни қандай? Улар аҳолининг кенг қатлами учун кундалик эҳтиёжга айланган, деб айта оламизми? Ушбу саволларга жавоб аниқ: кейинги йилларда тармоқда ислоҳотларни чуқурлаштириш, янги техника ва технологияларни жорий этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада почта ва алоқа тизимида сифат кўрсаткичлари яхшиланиб, мижозлар учун қўшимча қулайликлар яратилаяпти. Буни мамлакатимизнинг чекка шаҳар ва қишлоқлари мисолида ҳам кўриш мумкин.***

Жаҳон миқёсида чуқурлашиб бораётган интеграциялашув жараёни телекоммуникация тизимини ҳам жадал ва барқарор ривожлантиришни кун тартибига қўймоқда. Ана шу мақсадда «Ўзбекистоннинг телекоммуникация тармоғини кенгайтириш» лойиҳаси бўйича халқаро тендер эълон қилинган эди. Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигидан хабар беришларича, талабгорлардан дастлабки ҳужжатлар қабул қилинди. Мазкур халқаро тадбирни кўнгилдагидек ўтказиш учун эса агентлик ҳузурида тажрибали эксперт ва мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Улар ташкилий жараёнларни мувофиқлаштиришда бош-қош бўлишаяпти. Таъкидлаш керакки, ушбу тендерда Осиё ва Европа қитъасидаги 11 та фирма ва компания ғолиблик учун асосий даъвогар бўлиб турибди.

Яна нималарни айтиш мумкин? «Ўзбекистоннинг телекоммуникация тармоғини кенгайтириш, II босқич» лойиҳаси JBIC япон халқаро ҳамкорлик банки томонидан молиялаштирилади. Шу мақсадда 12,7 миллиард иен миқдорида маблағ ажратиш мўлжалланмоқда. Тендердан кўзда тутилган асосий мақсад ишлаб чиқариш, телекоммуникация ва телерадиоэшиттириш ускуналари етказиб бериш, оптик-тола линияларида рақамли электрон технология жорий этилиши муносабати билан бу соҳада қурилиш-бунёдкорлик юмушларини олиб боришга ихтисослашган компания ва фирмаларни аниқ белгилаб олишдан иборатдир.

Айтиш жоизки, тендерда иштирок этиш истагини билдирган 11 даъвогарнинг кўпчилиги, яъни 6 таси Япониядан. Булар «Иточу», «Канемицу», «Марубени» «Мицубиси», «Мицуи» ҳамда «Ничмен» фирмаларидир. Шунингдек, Хитойнинг CNTTC, «Шанхайбел», Сингапурнинг «Литьян» компаниялари ҳам лойиҳани амалга оширишда ўз ускуналари билан қатнашиш истагини билдирган. Юқорида номлари тилга олинган кўпгина талабгорлар мамлакатимизда хайрли ишлари билан тилга тушган бўлса, баъзи фирма ва компаниялар ушбу халқаро тадбирда биринчи марта иштирок этишмоқда.

Ғолиб эса ҳақиқий рақобат курашида аниқланади.

**Н. ТОШЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Кичик ва ўрта бизнес*

# ИМКОНИЯТЛАР

**— Фақат кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари билан дадил, пухта тузилган шартнома ва режа асосида иш юритиш лозим, — деди биз билан суҳбатда Республика акциядорлик тижорат «Пахтабанк»нинг Жиззах вилояти бошқармаси бошқарувчиси Фарҳод БОЗОРОВ. — Ана шунда Президентимизнинг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси тўла таъминланади. Фармонга биноан биз бўш маблағларни ҳам банк муомаласига жалб қилиш, турли омонатларни кўпайтириш ҳисобига олинган фойдани аниқ секторлардаги корхоналарга кўпроқ жалб этишга интиляпмиз. Шу мақсадда кичик ва ўрта бизнес субъектларини, деҳқон ва фермер хўжаликларини имтиёзли кредитлаш жамғармасини ташкил этдик. Ўтган давр мобайнида жамғармамизда салкам 50 миллион сўм маблағ тўпланди. Бу маблағлар тўлиғича кичик ва ўрта бизнес субъектларига имтиёзли кредит сифатида тарқатилди.**

**— Сиз тилга олган банк фойдасининг 25 фоизидан иборат кредитлардан ташқари, умуман, жамоа кичик ва ўрта бизнес субъектларига қанча кредит ажратди?**

— 1999 йилда вилоят бўйича кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш учун 32,6 миллион сўм кредит ажратилган эди. Ўтган йили тадбиркорларга кўпроқ ёрдам бериш имкониятларини қидирдик. Натижада уларга жами 367,2 миллион сўм кредит беришга эришдик. Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида эса бу кўрсаткич салкам ўтган йилги даражага етди. Пировардида кичик ва ўрта бизнес субъектларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми кескин ортди. Хусусан, вилоят бўйича ғалланинг 60 фоизидан зиёдроғи, пахтанинг 65 фоизи айнан биз билан ҳамкорлик қилаётган тадбиркорлар улушига тўғри келди. Бу қувончли ҳолдир, албатта.

**— Берилаётган кредит маблағларидан мақсадли фойдаланишнинг назорати қандай ташкил этилгани ва унинг самараси ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз...**

— Ўзаро ҳамкорлик бор жойда, албатта, назорат ҳам бўлади. Натижа шунга боғлиқ. Бундан ташқари, ҳар бир мижозга амалий кўмаклашиш учун ходимлар бириктирилган. Ҳуқуқшуносларимиз ва мутахассисларимиз қатъий жадвал асосида, баъзан сўровларга биноан, жойларда бўлиб, иқтисодий, ҳуқуқий билимларни тарғибот қилмоқдалар. Турли ҳужжатларни расмийлаштиришда тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатишмоқда.

Энди кредит маблағларининг самараси хусусида тўхталсак, юқорида таъкидлаганимиздек, мижозлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳажми йил сайин кўпайиб бормоқда. Сабаби — банк кредитларининг асосий қисмига энг зарур техникалар сотиб олинмоқда. Масалан, ажратилган 174,3 миллион сўмлик қисқа муддатли кредитга 65 та сеялка, 90 та культиватор харид қилинди. Қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олишга берилган кредитларга эса 7 та трактор, 40 дан зиёд культиватор ва сеялка, 100 дан ортиқ шина келтирилди.

Ёки бошқа бир мисол. Банкнинг Жиззах шаҳар бўлими томонидан фермер Баҳодир Суймасовга чорвачиликни ривожлантириши учун 1200 минг сўм кредит берилган эди. Ўтган қисқа вақт ичида у чорвачилик учун ўзига хос база яратиб, 6 бош қорамол сотиб олди. Ҳозир эса 10 бош қорамолни парвариш қиляпти.

DAIMLERCHRYSLER

ТОШКЕНТДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ БОШҚАРУВИ

ВА ЖАМОАСИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ
10 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ

БИЛАН ТАБРИКЛАБ, МЕҲНАТКАШ ЎЗБЕК ХАЛҚИГА

ТИНЧЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИК ТИЛАЙДИ.

# ЭШИГИ ОЧИЛМОҚДА

Муҳими, олинган кредитини муддатидан олдин қайтаришга улгурди. Зарбдор туманидаги «Севинч» фермер хўжалиги эса 1500 минг сўм кредит олган эди. Фермерлар ўз оталиғидаги «Олтин бошоқ» болалар боғчасини 538 минг сўмлик гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминладилар.

Шу билан бирга, ишимизда камчиликлар мавжудлигидан ҳам кўз юма олмаймиз. Баъзи тадбиркорлар шартномавий мажбуриятларини «унутиб» қўймоқдалар. Бу ортиқча оворагарчиликлар, кўнгилхираликларга олиб келаётир. Ҳар икки томоннинг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мисол учун, Бахмал туманидаги «Бахмалтикув» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти мутасаддилари жамоани оёққа турғазиб олиш мақсадида 3500 минг сўм кредит олишди. Унга тикув машиналари ва бошқа жиҳозлар харид қилинди. Лекин, барибир, кўзланган мақсадга эришилмади. Корхонада ишлаб чиқариш йўлга қўйилмади. Оқибатда фақат кредит ҳисобига тўланадиган қарз 560 минг сўмга етди. Биз вилоят хўжалик суди орқали корхонанинг мол-мулкини нархлаб, улардан кредит фоизидан қутулишни талаб этишга мажбурмиз. Афсуски, бундай корхоналар ягона эмас.

Бунинг сабаби нимада? Аввало, айрим хўжалик юритувчи субъектлар билан ҳамкорлик ўрнатиш жараёнида мутасаддиларимиз ишни хом қилишган. Тадбиркорлар, уларнинг бизнес-режалари пухта ўрганилмаган. Демак, биз бу каби ҳолатларга тезроқ барҳам беришимиз керак.

— **Аҳолини кўплаб омонат турларига жалб этиш ҳам уларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш усулларидан бири. Бу борада «Пахта банк»нинг вилоят бошқармаси қандай ишларни амалга оширмоқда?**

— Ўз истиқболини ўйлаган банк жамоаси халқ орасига киришга интилади. Аҳолига самарали хизмат қилиб, мижозлар сонини кўпайтиришни ўйлайди. Масалан, яқингача Арнасой туманидаги «Самарқанд» хўжалиги аҳолиси банк хизмати учун 45 километр йўл босишга мажбур бўларди. Ҳозир бу ерда мини банкимиз фаолият кўрсатмоқда. Зарбдор туманидаги «Шарқ юлдузи» жамоаси марказида ташкил этилган минибанкимиз эса тўртта хўжаликнинг 207 нафар тадбиркорига ҳамкор. Умуман олганда, кейинги ярим йил ичида вилоят бўйича 4 та ана шундай минибанк очдик. Барча банк бўлимлари қошида махсус бурчаклар бўлиб, ходимларимиз кўмагида тадбиркорлар турли ҳужжатларни расмийлаштиришни ўрганмоқдалар. Қарорлар, фармонлар ва янги қўлланма-йўриқномалар билан чуқур танишиш, маслаҳатлар олиш имкониятига эга бўлишяпти.

Таъкидлаш кераккки, аҳоли қўлидаги бўш маблағларни омонатларга жалб этиш ҳар иккала томон учун ҳам қулай ва фойдалидир. Шу боис аҳолига юқори даромадли, турли қулайликларга эга 6 та омонат турини таклиф этяпмиз. Яқинда уларнинг сафига йилига 55 фоизгача даромад тўланадиган «Ҳосил» омонати ҳам қўшилди. Натижа ёмон эмас. Омонатчиларимиз сони 4 минг нафарга етди. Омонат миқдори 310 миллион сўмдан ортди. Бундай омиллар кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлашдаги имкониятларимизни оширишга хизмат қилади, янги иш ўринларининг янада кўпайишига олиб келади.



**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси халқини энг улуғ, энг азиз байрам —*

*Истиқлолнинг 10 йиллик*

*айёми билан чин дилдан муборакбод этамиз!*

*Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, хонадонингизга фаровонлик, демократия ва тараққиёт йўлидаги ислоҳотларни амалга оширишдаги ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз.*

*«Ўзбеккимёмаш» заводи ОТАЖ.*

